

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили асосида республикамизда банкларнинг молиявий хизматларини масофадан амалга ошириш жараёни жадал ривожланиб бормоқда дейишга хақли асосимиз бор.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, республикамизда рақамили иқтисодиётни ривожлантириш, банк хизматларини масофадан кўрсатиш иқтисодиётни янги босқичга кўтариш, банкларда трансформация жараёнларини амалга ошириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги жараёнларни кенгайтириш мақсадида 12 май 2020 йилдаги ПФ-5992 сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармонига мувоффик жорий йилдан бошлаб банклар трансформация жараёнлари ўтказилиши белгилаб қўйилган. Фармонга мувофиқ замонавий технологияларни жорий қилиш, контактиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамили идентификациялаш, кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, ра-

қамили банкнинг тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий қилиш белгиланди, шунингдек, Ўзбекистонда биринчи рақамили “АнорБанк” ташкил қилиниб ўз фаолиятини 2021 йилдан бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, банклар иқтисодиётнинг локомотиви ролини янада ошириб илдамланган ролга ўтиши ва молиявий хизматларни рақобат устунликлари, ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини инобатга олган холда, шакллантириши ва амалга ошириш керак. Банклар тижорат ташкилоти эканлиги, энг аввало, тижорий мақсадни кўзлаши ҳамда бозор механизмлари асосида иш ташкил этилиши лозим. Банкларнинг асосий фаолиятидан ташқарида бўлган вазифаларни бажарishi каби ҳолатларини олдини олиш зарур. Натижада, рақамили иқтисодиётни ривожлантириш ва унда банк масофавий хизматларини янада кенгайтириш мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини кўтаришга, иқтисодиёт тармоқларини шаффоф фаолиятини йўлга қўйишига ҳамда информацион технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини оширади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сон Фармони 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778). 1-4 бетлар.
3. Ablyazov T., Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation // SHS Web of Conferences. 2018. Vol. 44. 00003.
4. Кощеев В.А., Цеетков Ю.А. Цифровая трансформация банковского сектора. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankovskogo-sektora>
5. <http://www.cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/>

**Мўминова Маъсуда Бахтияровна -  
ТДИУ докторанти**

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижкорат банкларининг актив ва пассив операцияларини бошқаришининг долзарблиги, назарий асослари, жараёнга доир муаммолар ва уларни бартараф этиши ўйлари ёритилган.

**Калип сўзлар:** актив операция, пассив операция, пандемия, банк тизими, ЯИМ, инновацион маҳсулот, бошқариш методологияси.

**Аннотация:** В данной статье описывается актуальность управления активных и пассивных операций коммерческих банков, теоретические основы, проблемы с процесса и способы их преодоления.

**Ключевые слова:** активная операция, пассивная операция, пандемия, банковская система, ВВП, инновационный продукт, методология управления.

**Abstract:** This article describes the assets and liabilities of commercial banks in operations management priority, the theoretical principles, the process reflected the problems and ways to overcome them.

**Keywords:** active, passive operation, the operation of the banking system of a pandemic, GDP, innovation, product management methodology.

Шиддатли иқтисодий ўзгаришлар барча соҳларнинг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишини талаб этмоқда. Биргина жаҳон иқтисо-

диётини ўз таъсири билан қамраб олган “Covid-19” пандемияси орқали мамлакатларда рўй берадиган иқтисодий инқироз долзарб

муаммолардан бири ҳисобланади. Уни енгиб ўтишда, таъсир доирасини чегаралашда ва салбий оқибатларни жиловлашда банк-мoliaя тизими муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда Covid-19 пандемияси етиб борган барча мамлакатларнинг мoliaя бозорига яъни кредит, инвестиция, суғурта, валюта ва фонд бозорларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Халқаро рейтинг агентлиги "Moody's Investors Service" Осиё, Тинч океани миңтақасининг 12 та банк тизимига, шу жумладан Австралия, Хитой, Янги Зеландия ва Сингапурга коронавирус инқизози ва иқтисодий таназзул салбий таъсир кўрсатди деб баҳолаган.

"Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги Хинд банк тизимининг прогностини "барқарор" дан "салбий"га ўзгартирди. Рейтинг агентлиги пасайишнинг сабаби сифатида Covid-19 авж олгани иқтисодий фаолиятнинг зарарига ишора қилди ва ушбу узилишлар мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириди[1].

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон тижорат банкларига халқаро рейтинг тақдим этилиши ва қайта тасдиқланиши масалаларига бағишлиланган навбатдаги конференция ташкил этилиб, унда хорижий эксперталар банк тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида тутган ўрнига баҳо бердилар ва банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаши кенгайиши орқали ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаётганини таъкидладилар.

МДҲга аъзо айрим мамлакатлар рейтингининг ёмонлашуви фонида Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодий рискка таъсиранлиги "барқарор" деб баҳоланмоқда[2].

Бунинг асосий омили сифатида банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва Марказий банкнинг самарали банк назоратининг олиб бориши, жумладан, активлар сифати, кредит портфелини диверсификация қилиш, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари устидан доимий мониторинг ўрнатилиши мамлакат тижорат банкларининг барқарор фаолият юритишига етарлича шарт-шароит яратилганлигидан деб изоҳланди.

Албатта бугунги Коронавирус панемияси ва глобал инқизоз ҳолатида айнан ургуни банк тизимига қаратилиши юзага келиши

кутилаётган иқтисодий муаммоларни барта-раф этиш имконини беради. Шу сабабли банк ўз активларининг сифат таркибини яхшилаб, даромадлилик даражасини оширишга кўмаклашувчи чора-тадбирлар амалга ошириши лозим. Банк капиталининг қиймати нафақат унинг даромадлигига, балки рискка мойиллигига ҳам таъсир қилишига боғлиқ экан, рискларни бошқариш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилас эканмиз хорижлик иқтисодчи олим Д.Хоган[3] турли сўровнома усуллари ёрдамида, узоқ муддатли омонатларга эга бўлган мижозлар, уларнинг қарз ва облигация портфелининг ҳажми ва таркиби, уларнинг капитал ва даромаднинг мақбуллиги ўртасидаги алоқа мавжудлигини кўрсатган. Унинг асосий хуносаси шундан иборатки, банк учун ссуда бўйича харажатлар ўртача омонатлар миқдори ва улар банкда сақланадиган вақт билан белгиланади. Д.Хогенга кўра, банклар нафақат актив портфели таркибини, балки омонат/ссуда нисбатини бошқариши керак, бунда бошқарув жараёни статик эмас, балки динамик тавсифга эга бўлиши лозим. Портфел рискини ўлчаш учун асосини белгилайдиган портфел назарияси иқтисодчи олимлар Дж. Линтнер [4], Я. Моссин [5] ва У. Шарп [6] (Capital Assent Pricing Model - CAPM) томонидан бир-биридан мустақил равища ишлаб чиқилган мoliaявий активларнинг даомадлигини баҳолаш модели билан тўлдирилади. Ушбу модел риск даражаси ва талаб этилаётган даромадлилик ўртасидаги алоқаларига аниқлик киритди.

Хусусан, У.Шарп кейинги тадқиқотлар учун бошланғич нуқтаси сифатида Г.Марковиц тадқиқот натижалари ишлатилади, тадқиқот жараёнида у Марковиц модедининг мoliaявий активлар нархларига таъсир кўрсатишини аниқлаган. Ҳар бир рискли активнинг талаб ва таклифини мувозанатлаштириш мақсадида мoliaявий активларнинг нархи исталган вақтда ўзгаришини фараз қилиб, у рискли активлар бўйича кутилаётган даромадларнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиши кераклигини кўрсатди [7].

Шарпнинг назарий қарашларида олинган активлар таркиби ҳозирда мoliaя назарияси ва амалиётнинг кўпгина соҳаларида рискларни бошқариш учун асос сифатида жуда кенг қўлланилмоқда. Бироқ, унинг ривожланиши ҳали ҳам давом этмоқда, чунки у ушбу муносабатларга реал амалиётда таъсир қилувчи кўплаб омилларни ҳисобга олишни

талааб қиласы [8].

1980 йилда Г.П.Сзего [9] портфел назариясини ва банк активларини бошқариш учун уни амалда құллаш имкониятini янада кенгайтириди. Үзининг ишида у шуни күрсатади-ки, аслида ҳеч қандай ягона рисksиз ставка йўқ, аммо ҳақиқат шундаки, биринчидан, оддий инвесторлар учун қарз олганда рисksиз ставка кредитлашда рисksиз ставкадан юқори, иккинчидан, банклар учун, қарз олганда рисksиз ставка (омонат ставкаси) кредитлашда рисksиз ставка (кредит ставкаси)дан юқори, кредитлаш учун хавф-хатарсиз даражаси анча паст бўлади. Бундан ташқари, банклар чексиз миқдордаги омонатларни тўплаш ва чексиз миқдорда кредитлар бериш имкониятига эга эмас.

Г.П. Сзего аниқланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, янги моделни таклиф этади ва ушбу ўзгартирилган талқинда САРМ банк активларини бошқариш учун фойдали ва қулай восита бўлиб қолаётганини кўрсатади. Фарб олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар банк активлари ва пассивлари таркибини ягона бошқарув обьекти сифатида кўра бошлашига олиб келди, бунда бошқарув вазифалари сифатида ликвидликни сақлаб қолиш ва даромадлигини таъминлаш билан бир қаторда, рискни минималлаштиришни ўз ичига олади.

Хусусан, иқтисодчи олим С.М.Илясов қўйидаги таърифни беради: "Актив ва пассивни бошқариш жараёни руҳсат этилган максимал миқдордаги ресурслар (ўз ва қарз маблағлари)ни жалб қилиш ва уларни ликвидлик даражасига ва чекланган риск даражасига эга бўлган энг фойдали активларга жойлаштиришга қаратилган"[10].

Ўхшаш ғояни Е.В. Велик ҳам илгари суради: "... актив ва пассивларни бошқаришнинг асосий мақсади кредит муассасасининг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлашда киритилган капиталдан қисқа ва узоқ муддатда максимал даражада фойда олишдан иборат"[11].


Иқтисодчи В.Ю.Полушкин қўйидагиларни қайд этади: "Актив ва пассивларни бошқариш молиявий менежментнинг ажралмас қисми бўлиб, банк институтларининг молиявий рискларини минималлаштирга имкон беради". Бу таъриф хорижий муаллифларнинг талқинига яқин, чунки актив ва пассивни бошқаришга бўлган муносабат рискларни минималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Сўнг В.Ю.Полушкин ўз фикрини да-

вом этиб: "Банк операцияларининг барқарор даромадлигини таъминлаш мақсадида самарали ва мувозанатлашган ҳолда актив ва пассивни бошқариш банкнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлиигини яқуний баҳолашни оширади"[12], деб таъкидлайди.

Яна бир иқтисодчи олим И.В. Ларионованинг нуқтаи назари ҳам биз учун қизиқдир, унинг фикрича, банкнинг актив ва пассивини бошқариш риск ва даромадлилик ўртасидаги алоқани етарли тушунишдан иборат ва банкнинг баланс таркибини бошқаришни; атроф муҳит параметрларига қараб баланс таркибидаги оператив ўзгаришлар; молиявий стратегияда белгиланган риск қийматлари доирасида фойдани максималлаштиришни ўз ичига олади[13].

Бутун дунё банклари ўз мижозлари, ишчилари ва умуман иқтисодиёт учун тизимли қувват сифатида муҳим роль ўйнайди. Нақд пул ва омонат хизматлари, кредитни узайтириш, тўловларни осонлаштириш ва бозорни яратиш-бу барча зарурий хизматлардир. Шу сабабли, банклар ўзлари киритган чоралар барқарор эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак ва ўз вақтда одамларнинг энг яхши натижаларини олишлари учун мўлжалланган ва шу даврда уларнинг ақлий ва молиявий фаровонлигини сақлаб қолиш керак. Бундан ташқариши, дарҳол таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналиш ва пудратичилар учун алоҳида эътибор талааб қилинади[14].


Мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банкларининг фаолиятини таҳдил қилишда уларни турли тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилганлигини ва мавжуд жараёнда уларни янада тақомиллаштириш мақсад қилиб белгиланди. "Асака" акциядорлик тижорат банки узумчиликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга қайта молиялаштириш ставкасида кредит бериш режалаштирган. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки балиқчиликни, акциядорлик тижорат "Алоқабанк" эса асаларичиликни ривожлантириш ва маҳсулот экспортини ошириш билан шуғулланмоқда. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки пахта-фалла етиштирувчи фермер хўжаликларни самарали фаолият юритишига хизмат кўрсатмоқда. "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки ойлик маошлар учун револьвер кредитларни беришни йўлга қўйган шу билан бирга масофавий хизмат турларининг фоизларни камайтиришни режалаштирган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами активларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари [15]**

Юқоридаги тижорат банкларининг фаолияти мамлакат ЯИМ ўсишини иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ЯИМда банк активларининг улу-

ши сўнги йилларда ортиб бормоқда. Банк активлари 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 19,2 баробарга ошгани, шу билан бирга ЯИМ эса 7 баробарга ўсганини кўришимиз мумкин.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами мажбуриятларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари [16]**

Келтирилган 2-расмдан биз банк тизимини иқтисодий кўрсаткичарини таҳлил қиласар эканмиз, тижорат банклари мажбуриятлари 2019 йилда ЯИМ даги улуши 50,7 % ташкил этганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга 2010 - 2019 йиллар оралиғида қарийиб 3 баробарга ошган. Бу эса банк ресурсларини ва ЯИМни ортиб бораётганидан далолат беради.

Бироқ банк тизимида ҳали ўз ечимини топмаган ва бугунги иқтисодий ўзгаришлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган қатор муаммолар мавжуд бўлиб улар қўйдагилар:

- банк активлари ва пассивларининг диверсификация даражасининг пастлиги;

- имтиёзли кредитлар орқали муаммоли кредитлар салмоғини ўсиши;

- банк активлари таркибида соф инвестициялар ва олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар яъни қимматли қофозлар билан операциялар улушкини пастлиги;

- пассивлар таркибида эса талаб қилиб олингунча депозитлар салмоғининг юқори эканлиги;

- янги инновацион хизмат турларини жорий этилмаганлиги;

- банк ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш механизмини йўлга қўйилмаганлиги;

- банк актив ва пассив операцияларни инновацион бошқариш методологиясини мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммолар йиллар давомида банк тизимида мавжуд ва бугунги иқтисодий жараёнларда янада чуқурлашиш эҳтимоли юқори бўлган омиллар. Ушбу муаммолар банкнинг ликвидлилик, барқарорлик ва даромадлик даражасига салбий таъсир кўрсатиб, мижозларини банк тизимига бўлган ишончни камайтиради.

Шундай экан банк тизими фаолиятида актив ва пассив операцияларни инновацион бошқариш методологиясини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Банк пассивларни бошқариш техникасининг ривожланиши ва бир вақтнинг ўзида рискнинг ва фоиз ставкалари ўзгарувчанлигининг ошиши бугунги кунда банк фаолиятида хукмонлик қилаётган ресурсларни бошқариш стратегияси деб номланган ёндашувни юзага келтирди. Бу активлар ва пассивларни бошқариш бўйича мувозанатли ёндашув бўлиб, қуйидаги асосий вазифалар унинг доирасида гавдаланади:

1. Банк раҳбарияти банкнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадларига эришиш учун активлар ва пассивлар ҳажмини,

таркибини ва фойдасини максимал даражада назорат қилиши лозим.

2. Банк раҳбариятининг активлар устидан назорати пассивлар устидан назорати билан шундай мувофиқлаштирилган бўлиши керакки, активлар ва пассивларни бошқариш ички бирлик билан тавсифланиши лозим; сармали мувофиқлаштириш банкнинг активлар бўйича даромадлари ва берилган мажбуриятлар харажатлари ўртасидаги фарқни (спредни) максималлаштиришга ёрдам беради.

3. Харажатлар ва даромадлар баланснинг ҳар икки томонига – актив ва пассивга боғлиқdir. Банк сиёсати даромадларни максималлаштириш ҳамда активлар ва пассивлар учун банк хизматлари харажатларини минималлаштиришга мўлжалланган бўлиши керак

Шундай қилиб, банкнинг барча даромадлари қарзлар ва инвестициялардан келиб чиқади, деган анъанавий нуқтаи назар банк молиявий хизматларининг бутун бир пакетини - кредитлар, жамғармалар, консалтинг ва бошқаларни сотади ва уларнинг ҳар бирининг нархи банкнинг харажатларини қоплаши керак, деган тушунчага ўзгарди. Баланснинг пассив қисмини бошқариш натижасида олинган даромадлар банк активларини бошқаришдан олинган даромадлар билан бир хил тарзда ўзининг даромадлилик мақсадли мўлжалларига эришишига ёрдам бериши мумкин.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://www.entrepreneur.com/article>
2. <http://www.deponet.uz>
3. Hogan D. Commercial Bank Loan and Investment Policy. University of Illinois, 1963.
4. Lintner J. The Valuation of Risk Assets and The Selection of Risky Investments in Stock Portfolios and Capital Budgets // Review of Economics and Statistics. 1965. Februaru.P.13-37.
5. Mossin J. Equilibrium in a Capital Asset Market // Econometrica. 1966. October.P.768-783.
6. Sharpe W.F. Capital Asset Prices: A Theory of Market Equilibrium under Conditions of Risk//Journal of Finance. 1964. September. P.425-442.
7. Sharpe W.F. Capital Asset Prices: A Theory of Market Equilibrium under Conditions of Risk // Journal of Finance. 1964. September. P.425-442.
8. Шапкин А.С. Шапкин В.А. Экономические и финансовые риски. Оценка, управление, портфель инвестиций. 7-е изд. -М.:Дашков и К. 2009. С. 348.
9. Szego G.P. Portfolio Theory. New York: Academic Press, Inc. 1980.
10. Ильясов С.М. Управление активами и пассивами банков // Деньги и кредит. 2000. №5. С.20.
11. Велик Е.В. Реинжиниринг процесса управления активами и пассивами // Бухгалтерия и банки. 2001. №9. С.36.
12. Полушкин В.10. Анализ стабильности управления активными и пассивными операциями в коммерческом банке // Бухгалтерия и банки. 2001. №1. С.40.
13. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. М.:Консалтбанкар. 2003. С.5.
14. Kevin Buehler, Olivia Conjeaud, Vito Giudici, Hamid Samandari, Lorenzo Serino, Marco Vettori, Laura Webanck, and Olivia White. Leadership in the time of coronavirus: COVID-19 response and implications for banks. March 2020
15. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.